

## ЖАҲОЛАТ АСИРАСИННИНГ ИҚРОРИ

Одатий иш кунларидан бири. Ҳамхона аёллар тушликка тушиб кетишган, мен эса, газетанинг навбатдаги сони учун мўлжалланган мақолани тугатолмай хунобим ошиб, клавиатурани асабий шақирлатиб ўтирардим. Худди шу пайтда иш телефонининг жиринглаши янада гашимни келтирди.

Хонада аёллар бўлганида-ку умуман телефонни кўтармасдим. Чунки, газетамизнинг мухлислари асосан аёллар бўлгани сабабли кўнғироқлар ҳам бевосита уларни қизиқтирган масалалар бўйича бўлади. Кимдир эридан нолиб дардини дастурхон қилади, бошқа бирови қайнонасининг зулмидан дод солади...

Ҳафсаласизлик билан гўшакни олдим. Кутганимдек аёл кишининг овози. Саломига алик олдим ва шошилиб турганимни билдириш учун қисқа ва расмий оҳангда «гапиринг, эшитаман», дедим.

– Мен... ҳалиги ўз бошимдан кечирган воқеаларни газетангизда чиқармоқчи эдим, – аёл кишининг сўник сўлғин овозини эшитиб, енгил хўрсиндим.

Ана, айтмадимми. Бошланди. Одатда бундай ҳикоятлар «мен ота-онамнинг эрка қизи эдим. Еганим олдимда, емаганим ортимда эди, эрга тегдим-у ҳаётим батамом ўзгариб кетди», қабилидаги гап-сўзлар билан бошланади.

– Синглим, биласизми, муштарийларнинг дардларини эшитиб ёзиб оладиган ходимамиз бугун

ишга чиқмади. Аёлларни қизиқтирадиган масалалар бўйича тушдан кейин телефон қилинг. Минг бор узр, ҳозир сизнинг ҳикоянгизни эшита олмайман. Шошилиб...

– Мен ҳам сизнинг вақтингизни олмоқчи эмасман. Бу гапларни айтиб ҳам бўлмайди. Ҳаммасини битта дафтарга қўлимдан келганича ёзиб чиқдим. Илтимос, шуни чоп этсангизлар...

Бунақа ҳолатларга ҳам дуч келганман. Ярим йилча аввал бир келинчак ўз кечмишлари битилган учта қалин умумий дафтарни таҳририятга келтириб берган, бош муҳаррирнинг топшириғи билан бу дафтарлардаги ҳасратни газетабоп усулда қайта ёзиб, «Қувилган келиннинг изтироблари» деган сарлавҳа остида чоп эттиргандим. Кутилмаганда бу «сериал» ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Тиражимиз ҳам етти-саккиз мингга кўтарилди. Аммо ҳаммасидан ёмони кейин бўлди. Ҳалиги келиннинг эри, қайнона-қайнотаси «бизни бутун қишлоққа шарманда қилдиларинг» дея таҳририятга тўполон кўтариб келди. Яхшиямки, воқеа жойи ва қаҳрамонларнинг ҳақиқий исм-шарифини ошкор этмаганимиз. Акс ҳолда улар бизни судга беришга ҳам тайёр эдилар. Қонун биз тарафда эканини тушуниб, ночор изларига қайтишди. Аммо ортиқча гап сўзлар, асаб-бузарлик кимга ҳам ёқади дейсиз. Ўшандан кейин бунақа «ҳасратнома»ларни қоғозга туширишдан тавба қилгандим.

Шу боис, оилавий масалаларни матбуотда чоп этишнинг оқибатларини номаълум қўнғироқ соҳибасига тушунтиришга уриндим.

– Акажон, мен қайнонам ё эримнинг устидан шикоят қилиб қоғоз қоралаганим йўқ. Бу оилавий машмашалар ҳақида эмас. Менинг қисматим сиз билган аёлларникидан умуман фарқ қилади. Ил-

тимос, менинг ёзганларимни газетада ёритинглар. Менга ўхшаб залолат остонасида турган қизлар, аёллар менинг тақдиримдан огоҳ бўлишсин. Хатога йўл қўйиб, кейин афсус-надомат қилишмасин.

Гўшакнинг нариги томонида жимлик чўқди. Чамаси у йиғлай бошлаганди. Узуқ-юлуқ нафас товушидан пайқадим.

– Яхши, – дедим имкон қадар овозимга юмшоқ тус бериб. – Агар компьютерда ёзган бўлсангиз, электрон манзилимизга юборинг. Ёки почта орқали...

– Ўзим борсам-чи. Компьютердан умуман фойдаланмай қўйганман. Ҳаммаси дафтарда ёзилган. Шахсан қўлингизга топширсам дегандим...

Аёлга манзилни тушунтириб, гўшакни қўйдим. Негадир аёлнинг (балки қиз боладир) овозидаги нотаниш мунг хаёлимни буткул банд этганди. Дастлаб унга хийла қўполлик қилганимдан афсуслана бошладим. Қизиқ, оилавий муаммолари бўлмаса, ҳеч кимникига ўхшамайдиган, бошқаларга ибрат бўладиган кечмишида нелар содир бўлди экан.

Ажаб, боя гўшакдаги нотаниш ҳамсухбатимдан тезроқ қутулиш учун ҳар нарсага тайёр турган бўлсам, шу онда ич-ичимдан у билан кўришиш, унинг дардини тинглашга иштиёқ туғилганди. Телефон рақамини олиб қолсам бўлармиди. Аксига олиб, унинг қачон, қаердан келишини ҳам, ҳатто исмини ҳам сўрамабман. У сўнгги умидини бизга, таҳририятга тиккан бўлса-чи? Қаттиқ гапириб кўнглини оғритиб қўйган бўлсам, балки умуман келмас? Йўқ, келаман деди. Таҳририят манзилини ҳам аниқ-тиниқ сўраб олди-ку!

Шу кундан ўзининг мунгли овози ва сирли кечмиши билан хаёлимни банд этган ўша нотаниш ожизани кута бошладим. Йўқ, дарров бошқача хаёлга борманг! Кўнглимга бирор эгри ўй-фикр кел-

гани йўқ. Ишонинг! Аммо... негадир уни кутардим, у билан кўришгим, янаям тўғрироғи ўша мавҳум қисмати ҳақида билгим келаверарди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтиб, бошқа ишлар, ташвишлар соясида ўша кунги нотаниш ҳамсуҳбатимни унутаёздим.

Одатда тушликка ҳамхона аёллардан ё сал аввал, ё улар қайтганидан кейин чиқаман. Чунки ижод қилишим учун энг қулай ва осуда дам, хонамиз ҳамхоналаримдан холи бўлган пайт ҳисобланади. Улар бор пайтда хонамиздаги шовқин-сурон салкам «Чорсу» бозорини эслатади.

Бу гал ҳам тушлик пайти. Фавқулодда сокинлик кўйнида астойдил ижодга шўнғиган пайтимда, қулоғимга алланечук таниш овоз чалинди.

– Ассалому алайкум, мумкинми?

Мени бирдан ток ургандек бўлди. Ҳатто эшик тарафга қайрилмасимданоқ бу овоз эгасини таниб улгургандим. Бўсағада одмигина кийинган, ўрта бўйли, қорачадан келган, ёши йигирма-йигирма бешлар чамасидаги бир аёл турарди. Уни бир қарашда соҳибжамол деёлмасамда, кўримсиз дейишга-да тилим бормасди. Яшил рўмолчаси остидан тошиб турган қорамтир-қизғиш сочлари бир муддат илгари бўялган, эндиликда асл рангига қайта бошлаганини кўрсатарди.

Саломига алик олиб, рўпарамдаги стулга имо қилдим.

– Келинг, ўтиринг!

Аёл кўзларини номаълум нуқтага қадаганча, қаршимдан жой олди. Ер остидан унга разм солдим. Йўқ, боя у ҳақида юзаки хулоса чиқарган эканман. Ҳар қандай бўёқ ва пардоздан холи юзлари, қоп-қора қош-кўзлари ундаги яширин, ботиний гўзаллик учқунларини сачратиб турарди.

– Адашмасам, сиз билан икки ҳафтача илгари телефонда гаплашгандик, – дедим гарчи адашмаётганимга ич-ичимдан ишониб турган бўлсам ҳам.

Аёл ердан кўз узмасдан бош ирғади.

– Сиз билан гаплашганимдан кейин яна икки-ланиб қолдим. Бу гапларни ҳаммага ошкор қилиш шартмикин, деб ҳам ўйладим. Ўйлай-ўйлай бари бир дафтаримни олдим-у йўлга чиқдим, – қиз шундай дея, муқовасига сувқоғоз қопланган дафтарни қўлимга тутқазди. Дафтарнинг биринчи саҳифасида ҳуснихат билан «Маҳзуна», унинг остида эса, «Жаҳолат асирасининг иқрори» сўзлари битилганди.

«Бу муаллифнинг исми ва асарнинг номидир ҳойнаҳой».

– Маҳзуна таҳаллусингизми ё исмингиз? – сўрадим дафтарнинг кейинги саҳифаларига кўз ташларканман.

– Таҳаллус адашмасам ёзувчиларда бўларди, – ҳамон ердан кўз узмасди меҳмон. – Мен ёзувчиликка даъвогар эмасман. Ёзганларим ҳам тўқима эмас. Нимани кўрган-кечирган бўлсам, ҳаммасини баҳоли қудрат қоғозга тўқдим. Бу ерда ортиқча ташбеҳлар ҳам, муболаға ҳам йўқ. Балки, айрим ҳолатларни тўлақонли ифодалашга маҳоратим етмагандир. Лекин, илтимос, дафтарни охиригача ўқиб чиқинг. Лозим топсангиз, чоп этинг...

– Яхши, мен уни газета талабларига мос қилиб қайта ишлайман. Кейин сиз билан шартнома тузишимиз керак, паспорт, пенсия дафтарчаси, ИНН нусхалари...

– Кечирасиз, булар нима учун керак? – қиз илк бор бошини кўтариб, менга қаради.

– Қонун-қоидаси шунақа. Ёзган асарингиз учун қалам ҳақи тўлашимиз керак. Муаллифлик ҳуқуқлари деган гаплар бор...

гани йўқ. Ишонинг! Аммо... негадир уни кутардим, у билан кўришгим, янаям тўғрироғи ўша мавҳум қисмати ҳақида билгим келаверарди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтиб, бошқа ишлар, ташвишлар соясида ўша кунги нотаниш ҳамсуҳбатимни унутаёздим.

Одатда тушликка ҳамхона аёллардан ё сал аввал, ё улар қайтганидан кейин чиқаман. Чунки ижод қилишим учун энг қулай ва осуда дам, хонамиз ҳамхоналаримдан холи бўлган пайт ҳисобланади. Улар бор пайтда хонамиздаги шовқин-сурон салкам «Чорсу» бозорини эслатади.

Бу гал ҳам тушлик пайти. Фавқулодда сокинлик кўйнида астойдил ижодга шўнғиган пайтимда, қулоғимга алланечук таниш овоз чалинди.

– Ассалому алайкум, мумкинми?

Мени бирдан ток ургандек бўлди. Ҳатто эшик тарафга қайрилмасимданоқ бу овоз эгасини таниб улгургандим. Бўсағада одмигина кийинган, ўрта бўйли, қорачадан келган, ёши йигирма-йигирма бешлар чамасидаги бир аёл турарди. Уни бир қарашда соҳибжамол деёлмасамда, кўримсиз дейишга-да тилим бормасди. Яшил рўмолчаси остидан тошиб турган қорамтир-қизғиш сочлари бир муддат илгари бўялган, эндиликда асл рангига қайта бошлаганини кўрсатарди.

Саломига алик олиб, рўпарамдаги стулга имо қилдим.

– Келинг, ўтиринг!

Аёл кўзларини номаълум нуқтага қадаганча, қаршимдан жой олди. Ер остидан унга разм солдим. Йўқ, боя у ҳақида юзаки хулоса чиқарган эканман. Ҳар қандай бўёқ ва пардоздан холи юзлари, қоп-қора қош-кўзлари ундаги яширин, ботиний гўзаллик учқунларини сачратиб турарди.

– Адашмасам, сиз билан икки ҳафтача илгари телефонда гаплашгандик, – дедим гарчи адашмаётганимга ич-ичимдан ишониб турган бўлсам ҳам.

Аёл ердан кўз узмасдан бош ирғади.

– Сиз билан гаплашганимдан кейин яна икки-ланиб қолдим. Бу гапларни ҳаммага ошкор қилиш шартмикин, деб ҳам ўйладим. Ўйлай-ўйлай бари бир дафтаримни олдим-у йўлга чиқдим, – қиз шундай дея, муқовасига сувқоғоз қопланган дафтарни қўлимга тутқазди. Дафтарнинг биринчи саҳифасида ҳуснихат билан «Маҳзуна», унинг остида эса, «Жаҳолат асирасининг иқрори» сўзлари битилганди.

«Бу муаллифнинг исми ва асарнинг номидир ҳойнаҳой».

– Маҳзуна тахаллусингизми ё исмингиз? – сўрадим дафтарнинг кейинги саҳифаларига кўз ташларканман.

– Тахаллус адашмасам ёзувчиларда бўларди, – ҳамон ердан кўз узмасди меҳмон. – Мен ёзувчиликка даъвогар эмасман. Ёзганларим ҳам тўқима эмас. Нимани кўрган-кечирган бўлсам, ҳаммасини баҳоли қудрат қоғозга тўқдим. Бу ерда ортиқча ташбеҳлар ҳам, муболаға ҳам йўқ. Балки, айрим ҳолатларни тўлақонли ифодалашга маҳоратим етмагандир. Лекин, илтимос, дафтарни охиригача ўқиб чиқинг. Лозим топсангиз, чоп этинг...

– Яхши, мен уни газета талабларига мос қилиб қайта ишлайман. Кейин сиз билан шартнома тузишимиз керак, паспорт, пенсия дафтарчаси, ИНН нусхалари...

– Кечирасиз, булар нима учун керак? – қиз илк бор бошини кўтариб, менга қаради.

– Қонун-қондаси шунақа. Ёзган асарингиз учун қалам ҳақи тўлашимиз керак. Муаллифлик ҳуқуқлари деган гаплар бор...

8

– Айтдим-ку, бу асар эмас, қалам ҳақини ҳам таҳририят ҳисобига ўтказаверинг. Ҳеч қанақа муаллифлик ҳуқуқига даъво қилмайман. Лозим топсангиз чиқаринг, бўлмаса...

Пул ҳақида гап очиб, ҳамсуҳбатимнинг хийла кўнглини ранжитганимни англаб, оз бўлса-да айбимни енгиллатиш учун уни қаҳва билан сийламоқчи бўлдим. Қайнатгични тоққа улаётганимда, аёл кетиш учун кўзғалди.

– Овора бўлманг, агар шу дафтарни ўқиб чиқиб, фикрингизни айтсангиз, менга кўп яхшилик қилган бўласиз...

– Телефонингиз...

– Мен ўзим сизга кўнғироқ қиламан. Яхши қолинг.

Аёл синиқ табассум билан ортига бурилди. Уни кузатгани йўлакка чиқдим. Йўлакнинг нариги бошидан гур кулги овозлари кўтарилди. Ҳамхоналарим қайтаётган эдилар. Ёнларидан ўтиб кетаётган аёлни кўриб, негадир жим бўлишди ва у кўчага чиқиб кетгунича ортидан қараб қолишди. Кейин эса нималарнидир пичирлашиб, қиқирлашиб, мен тарафга юришди.

Улар яна гулдурос кулгилар билан хонага кириб келишганида мен қулоқчин билан қулоқларимни беркитганча, бояги сирли аёлнинг дафтари саҳифалари қатига шўнғиб кетгандим.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

...Мен бир пайтлар юртимиздаги минглаб тенгдошларим қатори шўх, қувноқ, бахтиёр қиз эдим. Бошимга тушажак кулфатларни ўша пайтлар кимдир башорат қилса ё ақдан озишим, ё ўша башоратчининг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулишим муқаррар эди.

Аммо бошга тушганини кўз кўраркан. Мен, ҳали йигирма ёшга тўлмаган ожиза, шундай машаққатлар, азоб-уқубатлар, кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатларни бошдан кечирдимки, бу ҳақда ҳозир, орадан маълум вақт ўтиб, ўйлашга ҳам журъат этолмаяпман. Аммо айтишим, ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилишим, одамлар мен сингари жаҳолат йўлига қадам қўймасликлари учун ҳам барини ошкор этишим керак. Фақат Сиз тинглашга куч, ўқишга мажол топа олармикинсиз...

Келинг, ҳаммасини бир бошдан бошлай қолай.

Исм – қисматдир деб ўқигандим қайси бир асарда. Инсоннинг исми қайсидир маънода унинг тақдирига даҳл қиларкан. Шу боис, ота-оналар фарзандига исм қўйишдан аввал унинг қандай маъно англатишини яхши билиб, кейин боласини шу исм билан аташлари лозим.

Балки ота-онам менга Маҳзуна деб исм қўйишдан аввал бу сўз «ғамгин, ҳазин қиз» деган маънони англатишини билишмагандир. Ёки исм инсоннинг тақдирини ўзгартириб юбориши ҳам мумкинлигини ўйлаб кўришмагандир. Акс ҳолда... Ахир ҳеч бир ота-она ўз жигарбандига ғам-аламни, бахтсизликни раво кўрмайди-ку. Яна ким билсин, бошимга тушган кўргиликларга исмимнинг зар-

рача алоқаси йўқдир? Эҳтимол, ҳаммасига ўзим, қизиққонлигим, соддалагим сабабчи бўлгандир? Балки буларнинг барчаси Яратганнинг изн-иродаси, тақдири азалнинг ҳукми билан содир бўлгандир?..

Яна чалғиб кетдим...

Хуллас, ҳали айтганимдек, бир пайтлар ғам-алам нелигини билмайдиган шаддод қиз эдим. Оилада ота-онамнинг якка-ю ёлғиз фарзанди бўлганим учун еганим олдимда, емаганим ортимда эди. Билишимча, доялар мени жарроҳлик йўли билан дунёга келтиришган, ўша операциянинг оқибатиданми, онам яна фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлган.

Бундан хабар топган бувим, аммаларим отамни қайтадан оила қуришга ҳар қанча ундашмасин, отам кўнмаган. Умрини суюкли аёлию, пешонасида битилган битта-ю битта қизалоғига бағишлаган экан.

Ҳа, отам мени еру кўкка ишонмасди. Баъзан ҳазиллашиб «ўғлим» деб атаганида ҳам севиниб кетар, ҳам ҳазин тортардим. Ахир отам ҳам бошқалар қатори ўғил кўришни, «ўғлим бор» деб кўкрак керишни, элга ош беришни истарди-да!

Отам устачилик қилар, онам эса тикувчи эди. Мен туманимиздаги миллий ҳунармандчилик коллежида ўқирдим. Қишлоқда ҳар бир хонадоннинг озми-кўпми томорқаси, оғилида битта сигир, учтўрт бош қўйи бўлади. Хуллас, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ эди.

Отам кунларнинг бирида кечқурун ҳовлиқиб кириб келди. Ўзининг айтишича, у билан бирга ишлайдиган усталардан бири қўшни юртдан иш топганмиш. У ерда биздагидан кўра икки-уч баравар кўпроқ ҳақ тўлашаркан.

– Кетасизми? – онамнинг юзларида хавотир акс этди. – Дадаси, шу ерда ҳам топишингиз ёмон

эмасди-ку! Бировдан кам, бировдан кўп бўлсаям, ўзимизга етиб турипти. Бегона юртда қийналиб қолмасмикинсиз?

– Ўзимнинг ҳам кетгим йўқ, – отам уф тортганча, эскириб қолган дўпписини қозиққа илиб, онамнинг ёнида чўккалади. – Лекин куч-қувват борида кўпроқ пул топиб, кам-кўстимизни битириб қолай деяпман-да! Бу ёқда қизингни бўйи етиб қолган. Қиз чиқаришнинг ўзи бўлмайди.

– Э, дада, сизга оғирлигим тушяптими? – одатда, менинг эрга тегишим билан боғлиқ масалада сўз кетганда ана шундай сохта хархашани бошлардим.

– Битта қиз бўлса, амаллаб узатамиз, дадаси, – деди ойим менинг гапларимга эътибор ҳам қилмай. – Минг қилсаям, кўзимизнинг олдида юрганнингиз яхшими, дейман-да!

Дадамнинг феълини мен ҳам, ойим ҳам яхши биламиз. Бирор иш бошламоқчи бўлса, «шунақа қилсаммикин?» деб маслаҳат сўрайди-ю, кейин бари бир ўзининг айтганидан қолмайди. Албатта, мен ҳам отамни бир кун кўрмасам соғиниб қолишимни яхши биламан. Лекин гап менинг тақдирим ҳақида боряпти. Ҳар бир қиз ўз тўйини бекаму кўст ўтишини, дугоналари, тенг-тўшлари, энг асосий бўлажак эри, қайнана-қайнатасининг олдида боши эгилиб қолмаслигини истайди. Мен ҳам ўзига тўқ оилага келин бўлиб тушишни, шу билан бирга ҳамма қатори тўла-тўкис сеп билан кириб боришни истардим. Шу боисдан ич-ичимдан отамнинг қарорини маъқуллаб турардим.

Шундай бўлса-да, эркаланиб дадамнинг бўйнига осидим:

– Йўқ, дада, кетмайсиз! Ойим тўғри айтяптилар! Ўша пулни шу ердан ҳам топаверасиз.

– Ўғил қизим, аввал бориб кўрай-чи, нари борса беш олти ойда келаман. Агар иши ёқмаса, дарров орқамга қайтаман. Одамлар океаннинг нарёғига ишлагани кетяпти. Мен борадиган жой нари борса беш-олти соатлик йўл.

Хуллас, ўша куни отамнинг кийим-кечакларини тайёрлаб қўйдим. Ул-бул егуликларни ҳам сафар халтага жойладик.

– Ўғил қизим, қайтишимда сенга нима опкелай?  
– сўради отам сочларимни сийпалаб.

Очиғи, анчадан бери айрим курсдошларим коллежда кўз-кўз қилиб, ҳамманинг кўзини куйдириб юрадиган «ақлли» телефонларга ҳавасим кетар, аммо ота-онамни ортиқча харажатга қўймаслик учун бу ҳақда уларга чурқ этмасдим. Отамнинг ийиб турганини кўриб темирни қизигида босдим:

– Анув... ўша тарафларда арзонроқ бўлса, битта «айфон»ми, «галакси»ми опкелинг, майлими?

Отам нимадир демоқчи бўлганида, ойим қўшилди:

– Телефонинг бор-ку!? У зорманда қанча туришини биласанми? Ўша япасқи телефоннинг нима си яхши?

– Ойи, сиз билмайсиз, – дедим отамнинг фикридан қайтиб қолишидан қўрқиб, – ахир, у айфон! Ичида ҳамма нарсаси бор. Интернет, камера, фотоаппарат, «фейсбук», «одно», «телеграм»... Коллежимиздаги қизларнинг ҳаммасида бор. Фақат мен алмисоқдан қолган телефонни кўтариб юрибман.

– Бўпти, бўпти, онаси, майли, қизимнинг кўнгли ярим бўлиб қолмасин! Боришим билан энг аввал сенинг буюртмангни оламан. Хўш, онаси, сенгаям бирор нима керакдир?

– Эсон-омон қайтиб келсангиз бўлди, дадаси!

Эртасига эрталаб, биргалашиб нонушта қилганимиздан кейин отам йўлга отланди. Бувим узун-

дан узоқ фотиҳа қилиб, оқ йўл тилади. Ҳатто элнинг урф-одатига кўра, «ой бориб омон келсин» дея битта нон ҳам тишлатиб олди.

– Ойи, мен армияга эмас, ишга кетяпман, – деди отам кулиб, лекин бари бир бувимнинг айтганини қилиб, у узатган патирнинг бир четини тишлаб кўйди.

Отам шу кунидек манзилга етиб бориб, уйга кўнғироқ қилди. Шериклари билан битта уйни «ноль»дан тиклаб берадиган бўлишибди. Агар узлуксиз ишлашса, уйни тиклаш, пардоздан чиқаришга беш ойча вақт кетаркан. Аванс беришса, биринчи навбатда менга телефон олиб жўнатишини айтди.

Қандай яхши! Энди мен ҳам сенсорли, экранига бармоқни югуртириб, ҳамма ишни бажарса бўладиган телефон билан ўқишга бораман. Дугоналаримга мақтаниб бир уларнинг кўзини куйдираман. Рост-да, қачон қарасам, танаффус пайти дугоналарим «телеграм», «фейсбук» яна алламбалолар ҳақида, интернет орқали дунёнинг турли бурчакларидан орттишган танишлари ҳақида гапиришади.

Шоҳсанам англиялик бола билан гаплашиб юрибди, коллежни битирса Англияга ўқишга кирмоқчи. Ўша йигит Оксфордда дарс бераркан, ўқишга киришига ҳам ўзи ёрдам берармиш. Балки алдаётгандир? Муҳсина аллақандай ҳинд йигит билан танишиб олган. Ўзининг айтишича, Шоҳруҳоннинг жияни эмиш. Ҳозир амакиси билан янги фильмда суратга тушаётганмиш. Ким бўлсаям Муҳсинанинг қулоғига роса лағмон илаётган бўлса керак. Яна ким билсин. Ҳарқалай, дугоналаримнинг гапларини гоҳ ҳавас, гоҳида озроқ ҳасад билан эшитиб ўтираман.

Шунақа пайтда бир четда уларга ҳавас билан термилиб ўтирардим.

Ҳа, майли, ҳали мен ҳам сенларга ўхшаб, ижтимоий тармоқларда гаплашишни ўрганиб олай, кўрсатиб қўяман. «Дайди тўтиқуш» ҳақида мультфильмда айтилганидек, «ҳали ҳамма мени танийдиган бўлади! Довруғим бутун оламга таралади!»

...Хуллас, кунлар шу тариқа ўта бошлади. Мен отамни, шу билан бирга у менга ваъда қилган «смартфон»нинг келишини интиқлик билан кутардим. Онамнинг ҳам отамни қаттиқ соғинганини кўриб, унга баъзида ичим ачирди. Баъзан отам кўнғироқ қилиб қолса, у билан қисқача салом-алик қилардим-да, дарров телефонни онамга тутқазиб, нариги хонага ўтиб кетардим. Ахир ойим менинг олдимда у билан бемалол гаплаша олмайди.

Баъзан қувлигим тутиб, нариги уйнинг пардаси олдида туриб, уларнинг гапларини эшитмоқчи бўламан. Ойим эса, кўзларини мен турган хона эшигидан узмасдан, кулимсираб нималарнидир гапирар, гоҳида кўзлари мастона сузилиб кетар, фақат айрим гапларигина қулоғимга кирар, негадир кулгим қистарди... Ҳа, улар бир-бирини жуда ҳам яхши кўришади. Фақат менинг олдимда ҳис-туйғуларини ошкор этишмасди...

...Кузнинг охирги кунлари эди. Отамнинг ҳам ишлари енгиллашиб қолган, яқин кунларда хўжайинлар билан орани очиқ қилиб, йўлга тушишини айтарди.

Ўша куни ҳавонинг авзойи бузилиб, ёмғир томчилаб турарди. Коллеждан чиқдим, уйга етиб олгунимча шаррос ёмғирнинг тагида қолмаслик учун оёғимни қўлга олиб чопдим.

Уйга кираётиб, онамнинг дод солиб йиғлаётганини эшитдим. У ҳовлининг ўртасидаги сўрида ўтирганча ўзини ҳар ёққа урар, қўшнимиз Хумор

хола, яна икки-учта хотин уни тинчлантиришга уринар, бувим эса, айвоннинг устунига беҳол суяниб қолган, ранг-қути ўчиб кетган, аммам унинг юзига сув сепиш билан овора эди.

– Ойи, нима бўлди? – жонҳолатда унинг ёнига югуриб борганимда ёмғир забтига олган, ёмғир онамнинг сочларини жиққа ивитиб, кўз ёшларига қўшилиб юзларини юварди.

– Уйимиз куйди, болам, – дея мени бағрига босди ойим. – Отангдан ажралиб қолдик, жон қизим!

Онамнинг сўнгги сўзлари қулоғим остида турган муттасил чинқириққа қўшилиб кетди. Эс-ҳушимни йиғиб олганимда қулоғим эмас, ўзим чинқириб йиғлаётганимни англадим. Қулоғимга ишонгим келмас, аммо бу аччиқ ҳақиқат эди.

Маълум бўлишича, уч қаватли уйнинг томини ёпишаётганида, отам ҳавозадан пастга, тош устига кулабди... «Тез ёрдам» машинасида шифохонага етмай отамнинг жони узилибди. Бу ҳақда отам билан ишга кетган шериги, Ҳамиданинг дадаси хотинига телефон қилиб айтибди. Ойимнинг тепасида туриб, уни тинчлантиришга уринаётган аёлларнинг биттаси ҳам айнан Ҳамиданинг ойиси эканини кейин пайқадим...

Отамнинг жасадини эртаси куни тушдан кейин олиб келишди. Уйимиз нақ маҳшаргоҳга айланганди. Қий-чув, дод-фарёд... Мен ҳиссиз, жонсиз бир ҳайкалга аланиб қолгандек эдим. Кўзларим ҳам худди бировникидек, мутлақо бошқа, менга даҳлсиз ҳодисаларни кўриб турардим.

Отамни тобутда деразадан олиб чиқишаётганда ҳам тошдек қотиб туравердим. Қулоғимга аёлларнинг чинқириғи узуқ-юлуқ эшитилади.

Йўқ, булар ҳаммаси ёлғон! Мен туш кўряпман. Босинқираяпман. Агар ҳаммаси рост бўлганида

мен ҳам анави аёлларга ўхшаб сочимни юлиб, юзларимни тирнаб, оламни бузмасмидим.

– Қизим, менга қарагин!

Анграйиб, мени четга тортаётган одамга қарандим. Э, ҳа, бу Собир ака, курсдошим Ҳамиданинг дадаси-ку! Отамнинг вафоти ҳақида ҳам шу киши хабар берганди. Отамнинг жасадини ҳам шу киши опкелган бўлса керак.

– Уч кунча олдин отанг билан бозорга тушгандик, – деди ерга қараб Собир ака. – «Қизимга ваъда берганман», деб мана шу нарсани сотиб олганди. Ўз қўли билан сенга берганида эди! – Шундай дея қўлидаги қутини менга тутқазиб, ўзи қўлма-қўл узатилаётган тобут тарафга юрди.

Шундагина ўзимга келиб, бошимга тушган фожианинг моҳиятини тўлиқ англадимми, бор овозим билан дод солдим...

Одамзот нималарга кўнмайди. Бир кунда дунё бўйича 200 мингга яқин одам ҳаёт билан видолашаркан... Аслида қолганлар ҳам бир куни бу омонат маконни тарк этишади...

Вақт ўтиши билан бу мусибатга ҳам кўника бошладим. Отамни соғинганимда, деворга осифлик турган, отам тишлаб кетган нонга термиламан. Баъзида суратларини бағримга босиб, юм-юм йиғлайман.

Уйдаги ҳар бир буюм, ҳовлимизнинг, томорқамизнинг ҳар қаричи дадамни эслатади. Бувимнинг янада қаримсиқ бўлиб, ажинларга тўлиб-тошган юзларида, онамнинг мавҳум нуқтага соатлаб қадалиб қоладиган нигоҳларида ҳам отамни кўргандек бўламан.

Томорқамиздаги ҳар бир майса, ҳар битта дарахтда дадамнинг нигоҳини ҳис қиламан. Боғимизнинг тўрида бир туп сада бор. Шох-бутоқлари, барглари шу қадар кўпки, ерга тангадек соя ту-

ширмайди. Ёзда унинг остидаги супада ҳаммамиз бирга овқатланардик. Айниқса, кечки овқат пайтида унинг шохлари орасида бекиниб олган чумчуқлар шу қадар чуввос солишардики! Бу садани отам мен туғилган йили эккан экан.

Беихтиёр ҳисларим ўз-ўзидан сўзларга айланиб, бир ипга тизилгандек бўлди. Дардларим шеърга айланиб қоғозга тўкилганини ўзим ҳам сезмадим.

*Мен туғилган йили яхши ният-ла,  
Супанинг ёнига эккансиз сада,  
Унинг соясида йиғлайман юм-юм,  
Нега сада бор-у, сиз йўқсиз, дада?  
Ширмой нон тишлатиб олдилар бувим,  
Сиз олис сафарга кетар лаҳзада.  
Девордаги миҳга осилиб ҳамон,  
Нега нон турар-у, сиз йўқсиз, дада?*

Кейин бу мисраларни қайта-қайта ўқидим. Болалигимда «Ўқиш китоби»даги айрим шеърларга ҳавас қилиб қоғоз қоралагандим. Аммо уларни шеър деб бўлмасди. Демак, шеър шунчаки ёзилмасакан-да. Ғам-алам, қайғу инсонни шеър ёзишга ундаркан-да.

...Отам менга жўнатган қимматбаҳо телефонни эса, уни сўнгги манзилга кузатганимиздан сўнг орадан бир ҳафтача ўтиб қўлга олдим. Бечора отам! «Нима опкелай?» деса, шу матоҳни айтибман. «Менга сизнинг соғлигингиздан бошқа ҳеч нарса керакмас» десам бўлмасмиди? Бир пайтлар мана шу япасқи матоҳни бошқаларнинг қўлида кўриб, қанчалар ҳавас қилардим. Мана, орзуим-гаям етдим. Аммо орзуим ушалишига сабабчи бўлган отажоним йўқ. Бундай темир-терсакнинг мингтаси отамнинг бир оғиз ширин сўзи ўрнини босармикин.

Отамнинг маърака-маросимлари сабаб бир ҳафтача коллежга боролмагандим. Ниҳоят, дафтар-китобимни сумкага солиб, яна дарсларга қатнай бошладим. Курсдошларим кўнгил сўраган бўлишди. Айниқса, курс раҳбаримиз хонасига чақириб, анча кўнглимни кўтарди:

– Қизим, ўзингни қўлга ол. Сен жуда иқтидорли қизсан. Зеҳнинг ўткир. Имкон қадар дарс қолдирмасликка ҳаракат қил. Яна бир йилдан кейин коллежни битирасан. Ўқишга киришинг керак. Вақт кутиб турмайди. Яхшилаб тайёргарлик кўр. Айниқса, чет тилини яхши ўзлаштиришга ҳаракат қил. Келажак сизларники, қизим!

Мақтаниш эмас-ку, курсимиздаги энг аълочи қизлардан биттаси мен эдим. Айниқса, адабиёт, инглиз ва рус тилларида унча-мунчаси мен билан баҳслашолмасди. Шу боис, коллежда бирор тадбир бўлса, албатта, ташкилий ишлар менга юклатиларди.

Хуллас, дадамдан ажралиб қолганимдан сўнг, бу улкан қайғуни унутиш учун ҳам бутун эътиборимни ўқишга қаратишга аҳд қилдим.

Шу кун отам жўнатган телефонни ҳам ўзим билан коллежга олиб боргандим. Бир зумда курсдошларим ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

– Оҳо, «Галакси эс-3»-ку.

– Ҳа худди меники билан бир хил эканми?

– Хитойники эмасмикин?

– Йўқ, мана «мэйд ин Кореа» деб ёзилган-ку!

Очиғи, ўша кунгача бунақа «ақлли» телефонлар билан қандай муомала қилишни билмасдим. Ижтимоий тармоқларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Информатика дарсида ўқитувчимиз битта электрон почта очиб берган, ундан ҳам деярли фойдаланмаганман.

Танаффусда Шоҳсанам билан Муҳсинанинг ўзи менга анча-мунча нарсани ўргатиб қўйиш-

ди. «Ватсап», «Фейсбук», «Вайбер», «Телеграм» да ҳам саҳифа очиб беришди. Бироқ олдинги қизиқиш, интилишдан асар ҳам қолмаган. Ҳозир рўпарамда турган одам билан гаплашишга ҳафсалам йўғ-у, дунёнинг нариги бурчагида, кўрмаган, билмаган одамим билан валақлашишга ҳушим келармиди?

Уйга қайтганимдан кейин майда-чуйда юмушларимни битирдим-да, негадир дугоналарим очиб берган профилларни томоша қилишга тушдим. Телевизорда ҳар куни шу тармоқлар ҳақида гапиришади. Оилалар бузилиб кетяпти, ёшлар ёмон йўлларга кириб қоляпти эмиш. Менимча, фақат аҳмоқ, ақидаси бўш, онги паст одамларгина шунақа тармоқлар туфайли йўлдан чиқиши мумкин. Мен эса, бунақа тоифага кирмайман! Ҳарқалай, ўша пайтлар шундай фикрда эдим.

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Дарсда ҳам ўқитувчиларимиз «телефонларни йиғиштирларинг» деб ҳаммага дакки беришади. Ота-оналар мажлисида ҳам асосий масала шу! Лекин бари бир айрим курсдошларимиз ҳаётини телефонсиз тасаввур қилишолмасди.

Бора-бора мен ҳам бунақа «кўнгилхушлик»ларга анча қизиқиб қолдим. Тўғри, «телеграм» ё «вайбер»да кимлар биландир соатлаб гап сотмайман. Нима еб, нима ичаётганигача суратга олиб, «Инстаграм»га жойлаётган курсдошларимни кўрсам, фашим келади. Лекин бари бир замон билан ҳамнафас яшаш керак-ку!

«Фейсбук» тармоғи менга анча ёқиб қолди. У ерда таниқли ёзувчилар, зиёлиларни ҳам топиб улардан маслаҳат олиш, фикр алмашиш мумкин. Айрим баҳс-мунозаралар чиндан ҳам одамнинг ақл-идрокини ўстиришга фойда бераркан.

Мен ушбу тармоқдаги саҳифамда отамга атаб ёзган шеъримни жойладим. Кейин илова тарзида шеърда тилга олинган дарахт ва деворга осилиб турган нонни суратга олдим-у, саҳифамга жойлаб қўйдим. Бу шеъримни қайсидир газетага чоп этишим-у, уни кимлардир ўқиб менга фикр билдиришига қадар қанча вақт ўтарди, билмадим, аммо бир неча дақиқада бу «ижод маҳсулим»ни юзлаб одамлар ўқиб, «лайк» босишди. Шеър ва суратлар остига ёзилган изоҳларни-ку айтамаса ҳам бўлади. Яна қанча фойдаланувчилар «статус»имни кўчириб босишди.

Хуллас, бир кунда «интернет юлдузи»га айлана-ёздим. Ҳар дақиқада кимдир тармоқ орқали менга «дўстлик» таклиф қилади.

Қизиқ, гоҳида инсоннинг шуҳрат қозонишида унинг қисмати, ғам-андуҳлари ҳам сабабчи бўларкан-да! Аслида мен бу суратлар ва шеърни ўзимни кўз-кўз қилиш, танилиш учун тармоққа жойлаштирмагандим. Аммо кутилмаганда...

Эртаси куни коллежда ҳам, дугоналарим орасида ҳам менинг шу «статус»им муҳокама марказида бўлди:

– Ўҳ-ҳў, шеър ёзишни ҳам қойиллатаркансан-ку!  
– деди Муҳсина хийла ғайирлик қилаётганини сездириб.

– Мен шу шеърингни «перепост» қилгандим, қара, англиялик «дўстим» Майклга ҳам ёқибди, – ҳар гапнинг бирига инглиз «йигит»ини қўшмаса туролмайдиган Шоҳсанам тағин бидирлай кетди.  
– Мен унга шеърингни таржима қилиб бердим.

– Вой, менгаям ташлаворгин ўша таржимани. Рахулга жўнатаман.

– Рахул деганинг ҳалиги... Шоҳруҳхоннинг жияни бўлса керак? – дея Муҳсинага ҳам мақтаниб олиши учун атайин йўл очиб бердим.

Дугонам ҳинд йигити билан виртуал муҳаббат қиссасини бошлайман деб турганида дарсга қўнғироқ чалинди.

Гоҳида Шоҳсанамга ҳам, Муҳсинага ҳам ачиhib кетаман. «Ўзимизда йигитнинг зотига қирғин келмагандир» дегим келади-ю, кўролмасликдан айтяпти деган хаёлга боришмасин, дея тилимни тияман.

Хуллас, «фейсбук»да анча танилиб қолдим. Ҳар куни ўнлаб йигитлар танишув йўллашади, «чат» орқали ёки изоҳлар қисмида илмоқли гаплар ёзишади. Баъзида бўш вақт топиб, танишув истагини билдирган йигитларнинг саҳифаларига мўралайман. Уларнинг расмларини кўздан кечираман, шахсий маълумотларига кўз ташлайман. Чиндан ҳам ажойиб замонларда яшаяпмиз. Дўппидекки-на қишлоғингдан чиқмай туриб, дунёнинг нариги четидаги одам билан гаплаша оласан. Истасанг унга сурат жўнатасан, истасанг қўнғироқлашасан, керак бўлса, экран орқали юзма-юз гаплашасан...

Қизиқ, ҳали саҳифамга суратимни жойламасимдан шунчаси танишмоқчи бўлиб турибди. Расмимни қўйсаммикин? Ҳарқалай, ўзимни ҳуснда танҳо санамасам-да, ташқи кўринишим йигитларни бепарқ қолдирмаслигини яхши биламан.

Йўқ, ўзимнинг расмимни қўймаганим тузук. Ҳар замонда шеърми, манзарали суратми жойлаб тураман. Наридорса, битта-иккита овсарроқ йигит билан эрмак учун валақлашарман. Бари бир у менинг кимлигим, қаерда туришимни билмайди. Саҳифамда ўзим ҳақимда бирор тайинли маълумот ёзмаганман. Лекин ижтимоий тармоққа анави тентак дугоналаримга ўхшаб муккамдан кетиб қолмайман.

Кечки юмушларим, уй вазифаларини бажариб бўлгач, ойимнинг ўрнини ҳозирлаб, ўз ҳужрамга ўтарканман, анчадан бери елкамни эзиб келаётган

хотиралардан бир оз чалғиш учун телефонни кўлга олдим. Дўстлашиш учун таклиф жўнатган йигитларнинг «анкета»ларини «варақлаётганимда», дафъатан улардан бирининг сурати кўзимга оловдек кўринди. Беихтиёр суратни катталаштириб томоша қилдим. Қош-кўзлари тимқора, юзлари думалоқ, қад-қомати келишган, худди киноактёрларга ўхшаб кетаркан. Кийимлари ҳам ўзига ярашиб турибди. Жуда ёқимтой йигит. Очиғи, курсимизда ҳам олифтанамо болалар йўқ эмас. Аммо... бу умуман бошқача!

«Шахсий маълумотлар» бўлимига кўз ташладим. Исми Комрон, мендан етти ёш катта, мен билан битта вилоятда туғилган, айти пайтда... Истанбулда яшаркан.

Истанбул! О, мен бу шаҳарни кўришни эсимни таниганимдан бери орзу қиламан. Бир пайтлар бу шаҳар ҳақидаги сериалларни кўриб, қўшиқларни эшитиб, унга ғойибона шайдо бўлиб қолгандим. Ҳатто хонамнинг деворида ҳам бу шаҳарнинг юқоридан олинган тасвири акс этган сурат ёпиштирилган, вақти келса, албатта, шу суратдаги узун кўприкни, баланд биноларни, мовий денгиз мавжларини, оппоқ гумбазли, кўкка бўй чўзган минораларни ўз кўзларим билан бориб кўраман, дея ният қилардим.

Ич-ичимдан бу йигитга ҳавасим келди. Қандай қилиб уни дўстларим сафига қўшганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Унга таклиф қабул қилингани ҳақидаги маълумот бориши билан «фейсбук»даги шахсий сўзлашув ойнасидан менга ёзишни бошлади. «Ол-а, жа ўлиб турган экансан-ку!» дедим ўзимча завқланиб.

Салом-алиқдан сўнг:

«Ҳамдардман. Биз ҳаммамиз Яратганникимиз ва унга қайтажакмиз. Аллоҳ падарингизни ўз раҳматига олган бўлсин!»

«Раҳмат...»

«Аллоҳ Сизга сабри жамийл – гўзал сабр ато қилсин! Пайғамбаримиз айтганларки, ота-онанинг ўлими инсон учун энг яхши воиздир. Яъни, уларнинг ўлими бизга дунёнинг ўткинчи экани ва барчамиз номаи аъмолимизни эзгу амаллар билан тўлдиришимиз кераклигини эслатиб туради».

Даставвал унинг гаплари шунчаки ваъз-насиҳатдек туюлди. Аммо у билан бир неча дақиқалик ёзишма давомида у менда анчайин ақли, эътиқодли, иймони бут йигит сифатида таассурот қолдирди. Унинг офир-босиқ, мантиқли гаплари худди чанқоқ одамга узатилган зилол сув сингари ташналимни босарди.

Чунки отамни йўқотганимдан бери ҳеч ким менга у сингари маънили, чиройли, жўяли тасалли бермаганди. Онам билан бувим-ку фожиадан сўнг ўз ғам-аламлари билан овора бўлиб, менга айтарли эътибор ҳам бермай қўйишган. Комрон менга йўллаётган оят ва ҳадислар, ҳикматлар, ҳаётий мисоллар худди офриқ босувчи дармон сингари вужудимга ором индирмоқда эди.

Рост! Ахир, отам фақат жисман бу оламни тарк этди, холос. Ўлим бу йўқлик дегани эмас, балки бир уйдан иккинчисига ўтадиган эшик экан-ку! Руҳлар фақат тириклардан дуо умидвор бўлишаркан. Марҳум оталар руҳи фақат ўз жигарбандларининг эзгу амалларидан таскин ва ҳузур топаркан. Шундай экан, мен нима учун бунча ғам чекишим керак? Отамни жисман бу ҳаётга қайтара олмасам-да, унинг руҳини шод этишим мумкин-ку.

Тавба, бу йигит билан нега олдинроқ гаплашмадим, мулоқот қилмадим?

– Маҳзуна, нимага ўша зорманда телефондан бош кўтаролмай қолдинг? – онамнинг қўшни хона-

дан келаётган овози хаёлларимни пардек тўзғитди. – Ухла энди! Эртага вақтли туролмайсан.

Худди онамнинг гапини эшитиб тургандек Комрон менга шу хабарни ёзди:

«Бўпти, мен хуфтонни ўқиб олай...»

Шу билан у тармоқдан чиқиб кетди-ю, мен ҳам телефонни ўчириб, кўзларимни юмдим.

Лекин қанийди уйқу элита қолса. Хаёлим ўша сирли йигитда эди. Бунча ақли, зийрак бўлмаса! Юз-кўзларидан ҳам нур ёғилиб туради. Қадди-қомати-чи! Ростини, қишлоғимизнинг бирорта йигити кўркемликда унга тенг келолмайди. Вилоят марказидан бўлса керак. Кийинишига қараганда топиш-тутиши ҳам ёмон эмас. Битта суратида аллақандай хорижий машина рулида ўтиргани акс этган. Балки ўзининг машинасидир? Уйланганмикин? Хотини ҳам жуда бахтли бўлса керак?

Балки ҳали бўйдоқдир? Тақдир тақозоси билан менга уйланса борми! Бу фикр миямнинг бир четини чертиб ўтди-ю, юрагим қалқиб кетгандек бўлди. Ҳа, ахир бу ҳаётда нималар бўлмайди.

Ҳа! Унинг дунёқараши меникидан анча фарқ қилади. Чуқур диний билимга эгаллиги аниқ. Ибодатларини ҳам қолдирмас экан. Мен-чи? Афсус, бу жиҳатдан унга тенглашолмайман!

Менинг диний тасаввурларим бувимнинг билим доираси билан чегараланган. У менга шаҳодат калимаси-ю уч-тўртта сурани ўргатган, холос. Бувим қиёматда ўлганлар тирилиши, ҳамманинг тирикликда қилган ишлари қайта кўрилиб, яхшилар жаннатга, ёмонлар дўзахга тушишини айтган. Бувимдан «жаннатга тушиш учун нима қилиш керак?» деб сўраганимда: «Бировнинг ҳақини емасанг, ноҳақ қон тўкмасанг, ҳаром-ҳариш ишлардан узоқ юрсанг, бировларнинг дилини бесабаб

оғритмасанг, Яратганга шак келтирмасанг, албатта, жаннатга тушасан», – деб жавоб берганди.

Намоз ўқишни билмайман, ҳар йили рамазон ойида икки-уч кун аранг рўза тутардим, шунда ҳам дадам рухсат берса... Борди-ю, эртага бу ҳақда сўраб қолса, нима дейман. Кейин у мен билан умуман гаплашмай қўйса-чи. Негадир ўша дамда қандай бўлмасин унинг эътиборини тортиш, унга ёқиш, кўнглига йўл топиш ҳақида ўйлай бошладим.

Шу тариқа ҳар куни камида бир-икки соат вақтимни у билан «фейсбук»да ўтказадиган бўлдим. Вақт ўтгани сари менинг дунё ва ундаги ҳамма нарсага бўлган муносабатим янгиланиб борарди. У менга ҳар куни интернет орқали диний мазмундаги сайтларнинг ҳаволалари, кўшиқлар, фильмлар жўнатарди.

...Шу пайтгача ўзим тўғри деб билган жуда кўп нарсалар ҳақидаги фикрларим мутлақо бошқа тарафга қараб йўналмоқда эди. У инсон, йигит киши сифатида ҳам қалбимдан тобора чуқурроқ жой ола бошлади. Тан оламан, у билан ғойибона танишгунимга қадар қалбимда фақатгина ўзим орзу қилган хаёлий қаҳрамоннинг мавҳум чизгилари ўрин олган эди холос. Қарангки, Комроннинг ташқи кўриниши ҳам, ички дунёси, фикрлаш даражаси ҳам айнан ўша чизгиларга ҳамоҳанг эди.

Фақат битта нарса мени қаттиқ хавотирга соларди. Мен-ку унинг расмларини кўрганман (деярли ҳар куни Фейсбук саҳифасига янги-янги суратларини жойларди), аммо мен ҳали унга сурат юбормаганман. Интернетдаги саҳифамда ҳам фақат гуллар, қушлар тасвирларини, чиройли манзараларни жойлаштирардим. Ўз суратимни жойлашга эса, очиги, юрагим дов бермасди.

Чунки хаёлан ўзимни у билан ёнма-ён тасаввур қилиб кўрар ва унинг олдида кўримсиздек бўлиб туюлардим. Ҳа, у жуда чиройли, кўркам, келишган йи-

гит. Мен эса... тўғри, чиройим ўзимга яраша, лекин бари бир Комронга муносиб бўлмасам керак.

Шу пайтга қадар унинг уйланган ёки бўйдоқлигини ҳам сўрашга журъат этолмадим. Чунки ҳали бирор марта бунақа мавзуларга ўтмагандик. Борди-ю уйланган ёки кимгадир кўнгул боғлагани ҳақида эшитиб қолсам, қандай аҳволга тушишимни тасаввур қилолмасдим.

Илгари дугоналаримнинг интернет орқали топган муҳаббатлари устидан қотиб кулганим рост. Шоҳсанамни ҳам, Муҳсинани ҳам бу бемаъни халлардан воз кечишга ундаганим ҳақиқат. Мана, ўзим улардан беш баттар аҳволга тушиб ўтирибман. Ҳа, мен Комронни севиб қолгандим. Фақат бунини ўзим ва Яратгандан бошқа биров билмасди.

Гоҳида ўзимга-ўзим тасалли берардим: балки буларнинг бари ўткинчи ҳислардир? Балки тез орада орамиздаги ёзишмалар ҳам узилиб, иккимиз ҳам янги суҳбатдошлар, янги дўстлар орттирармиз, шу тахлит бир-биримизни унутармиз? Лекин айна пайтда Комронни йўқотиб қўйишни асло истамасдим. Қандай бўлмасин, уни ўзимга қаратишни, кўпроқ эътиборини тортишни истардим.

Биламан, у тақводор йигит. У ўзининг бўлғуси умр йўлдошини ҳам покдомон, муслима аёл бўлишини истайди. Мен эса, гарчи унинг қарашларига назарий жиҳатдан қўшилсам-да, ҳаётда замонавий қизман. Шу пайтгача бошимга рўмол ўрамаганман. Ойим тикувчи эмасми, энг сўнгги модадаги кийимларни тиктириб кияман. Агар у мени бунақа кийимларда кўрса борми, умуман мен билан алоқани узса керак.

У билан ғойибона суҳбат эса, ҳозирча ҳаётимнинг айрилмас қисмига айланиб бўлган. Кўнгулим сезиб турибди: бари бир тақдир йўлларимиз кесишмайди. У биздан анча олисда яшайди. Ўзи-

нинг гапларига қараганда, ҳали-вери юртимизга қайтмоқчи эмас. Мен эса, ойимнинг ягона суянчиғи, биттаю битта фарзандиман. Уни ташлаб кетолмайман.

Кечаги кун ҳеч қачон қайтмайди. Эртага нима бўлиши фақат Яратганга аён. Биз бугунги кун ичида яшаймиз. Бугун эса, хаёлан бўлса-да, мен у билан биргаман. Лоақал бугун унинг қалбига йўл топишга уриниб кўрай. Эртага бир гап бўлар.

Шу хаёл билан бир катта хатога йўл қўйдим: Интернетдаги қидирув тизими орқали ўранган қизларнинг суратларини қидира бошладим. Эҳ-ҳе, минглаб суратлар чиқиб келди. Турли миллатларга, турли ирқларга мансуб, бир-биридан чиройли қизлар! Уларнинг ичидан қош-кўзлари дид билан бўялган, қирмизи либослари ўзига ярашиб турган, тахминан ўзим тенги бир қизнинг суратини танладим. Ҳар эҳтимолга қарши сурат олинган сайтга ҳам кириб кўрдим. У ҳақидаги инглизча маълумотлардан тушунганим шу бўлдики, сурат Америкада яшаётган эронлик муҳожир адвокатнинг қизига тегишли бўлиб, мусулмон аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғуланувчи аллақандай ташкилотда ишларкан.

Ишқилиб, Комрон унинг суратини интернетдан кўрмаган бўлсин... Хуллас, суратни ўз саҳифамга жойлаштирдим. Кўп ўтмасдан тармоқдаги «мухлис»ларим кетма-кет суратга «лайк» босишга тушишди. Ишқилиб, Фейсбукда мени шахсан танийдиганлар сурат остидаги расм менга тегишли эмаслигини ёзиб қўйишмаса бўлгани.

Шу сабабли эртаю кеч телефон экранидан кўз узмай юрадиган дугоналарим Муҳсина ва Шоҳсамни олдиндан огоҳлантириб қўйдим. «Илтимос, сурат менга тегишли эмаслигини ёзиб қўйманглар!»

Комрон суратга биринчилар қаторида «лайк» босибди. Кўп ўтмай «шахсий дарчам»га ёза бошлади:  
«Суратингизни жойлабсизми?»

«Сизга ёқдимми?»

«Ҳарқалай, бошқа қизнинг суратини жойламагандирсиз, деб умид қиламан!»

«Бошқа қиз бўлса нима қилардингиз?»

«Сиз бундан қилмайсиз. Чунки сиз гўзал хулқ ва иймон соҳибасисиз. Агар бегона қизнинг суратини қўйганингизда, бу ёлғон бўларди. Ёлғон эса гуноҳдир. Бу сизнинг қўлингиздан келмайди».

Бу гаплар мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Агар ҳозироқ сурат меники эмаслигини айтсам, унинг фикрича ҳам ёлғончи, ҳам гуноҳкор бўлиб қоламан. Суратни қўйишга қўйиб бўлдим. Энди ортга чекиниб бўлмайди. Бу ёғини пешонангдан кўрасан, Маҳзуна!

«Ҳа, бу – менинг суратим» – бу сўзларни қандай ёздим, қандай жўнатдим – ўзим ҳам билмай қолдим.

«Номаҳрамга тикилиш тўғри эмаслигини биламан. Аммо не қилайки, суратингиздан кўзимни узолмаяпман».

Бу жумлаларни ўқишим билан томирларимга олов югургандек бўлди. Шу пайтга қадар фақат диний масалалар, мусулмон кишининг одоб-ахлоқи, маиший ҳаёт ҳақида гаплашган бўлсак-да, бирор марта мени ҳаяжонга соладиган бу тахлит жумлаларни битмаганди.

«Сизга ноқулайлик туғдирган бўлсам, ҳозироқ суратни ўчириб ташлайман!»

«Кечикдингиз, мен бу суратни ҳам ўз телефонимга, ҳам юрагимга кўчириб бўлдим. Сиз уни бемалол саҳифадан олиб ташлайверинг. Чунки бу суратни бошқалар ҳам кўради. Мен эса, Сизга бошқаларнинг назари тушишини истамайман!»

Бу эътирофнинг ўзиёқ мени мумдек эритиб қўйганди. Шу заҳоти суратни ўчириб ташладим. Аммо сурат баҳона суҳбатларимиз энди бошқача ўзанга тушиб, ўзгача ранг касб эта бошлаганди.

Кунлар ўтиб борарди. У энди менга нисбатан ҳисларини яшириб ўтирмас, мен ҳам иффат ва одоб доирасидан чиқмаган ҳолда унга ёқадиган, илтифотли сўзларни ёзардим.

Менга ўхшаб унинг ҳам шеърятдан хабари борга ўхшайди. Айниқса, битта тўртлигини ўқиб, нақ эс-хушимдан айрилаёздим.

*Юракка ботар бир тугунча – гуноҳ,  
Қўрқув уйготар бир тушунча – гуноҳ,  
Агар гуноҳ бўлса Сизни ўйламоқ,  
Ширин бўладими, оҳ, шунча гуноҳ?*

Айтинг, бунақа сатрлар ўзи шундоқ ҳам юракни беаёв ёндираётган ишқ гулханига мой сепмайдими?

\* \* \*

Кейин Комрондан ўзидан у ҳақида яна айрим нарсаларни билиб олдим. Энг асосийси, у ҳали уйланмаган экан. Ота-онасига ҳам «ўзим орзу қилган, иймонли, покдомон, ақлли-хушли қизни учратмагунимча уйланмайман», деб айтган экан. Айтишича, мен унинг тасаввурига жуда-жуда мос тушармишман.

Кун сайин унга бўлган ҳисларим улғайиб, мураккаблашиб борарди. Бир неча ой аввал бошимизга тушган мусибат – отамнинг фожиали вафоти ҳам энди мени ортиқча қийнамай қўйганди. Инсон бир ҳисга асир бўлса, бошқалари чекинади, деб тўғри айташаркан-да!

...Аслида бу мусибат бизнинг оиламиз устига ҳамон ўз кўланкасини ташлаб турарди. Бувим

ўғлидан ажралганидан бери тўшакка миҳланиб қолган. Аммаларим кунда-кунора келиб хабар олишади. Ойим ҳам ўз қобиғига тамомила ўралиб олган. Аламини фақат игна-ипдан олади. Кундузлари-ку олдига кийим тиктириш учун келиб-кетадиган аёлларга андармон бўлиб овунади. Кечаси ҳам алламаҳалгача хонасида тикув машинасининг шақиллаши тинмайди. Олдинги пайтдагидек мени ҳар қадамда тергаб юрмайди.

Гоҳида унинг ёнига кирганимда отамнинг суратига маҳзун термилиб ўтирганини кўраман. Уни юпатишга бир оғиз сўз тополмайман. Ҳа, ойим дадамни ҳаддан ортиқ яхши кўрарди. Ҳали-ҳануз отам кўшни юртдан қўнғироқ қилганида онам билан кўзлари сузилиб, соатлаб гаплашгани эсимдан чиқмайди. Ўша пайтларда «э, нималарни гаплашишаркин, шунча гапни қаердан топишаркин», дердим. Энди бўлса, ўзим Фейсбукда Комрон билан кечалари соат бир-иккигача гаплашарканман, бу саволимга жавоб топгандек бўламан.

Очиғи, Комрон билан видеоқўнғироқ орқали бўлмаса-да, лоақал вайбер ёки телеграмда гаплашгим, овозини эшитгим келади, аммо ўзидан таклиф чиқмагани учун бу ҳақда оғиз очолмайман. Ахир унинг тасавурида мен ўранган, намозхон, тақводор қизман. Бунақа қизлар эса, номаҳрам билан ҳатто шунчаки ёзишиши ҳам дуруст эмас.

Биз эса, бари бир ёзишяпмиз: Яратганнинг марҳаматидан умид қилиб, шу нодуруст ишга қўл уряпмиз. Комроннинг айтишича, гуноҳларнинг ҳам катта-кичиги бўларкан. Парвардигор агар биз астойдил тавба қилсак, гуноҳларимизни кечиб юбораркан. Бизнинг суҳбатларимиз одоб ва шариат доирасидан чиқмагани учун унча қўрқмасак бўларкан.

Лекин гоҳида бу «доира» бузилган пайтлар ҳам бўларди. Иккимиз ҳам гоҳида «гуноҳ-савоб»ни унутиб, суҳбат асносида жўшқин эҳтиросларга ҳам берилиб кетар, кейин эса, дарров эсимизни йиғиб, истиффор айтар, яна суҳбатимиз аввалги ўзанига тушиб оларди.

Уч ойлик танишув, суҳбатлар менинг тасаввуримда анчайин ўзгариш ясаганди. Мен ўзимни аллақачон унинг измидаги аёлдек ҳис этардим. Аммо битта нарса туну кун виждонимни гижимларди: ахир мен уни алдадим, у мени ўша, интернетда бир неча дақиқа давомида суратини жойлаштирганим – эронлик муҳожир қиз тимсолида севади. (Бу севгисини у деярли ҳар куни эътироф этади.) Мен эса, ҳамон ўз услубимда кийинаман. Бошим ҳалигача саждага теккани йўқ.

Ўзимни виждон азобидан халос этиш мақсадида ҳар куни эрталаб туриб, билганимча ибодат қила бошладим. Кийимларнинг ҳам имкон қадар кенгроқ, узунроқ, ёпиқроғини танлайдиган бўлдим. Бошимга рўмол ҳам ўрамоқчи бўлдим-у, коллеждагилар дарров шубҳаланиб қолишидан қўрқдим.

Рост, Комрон ҳам кўпинча «муаллимларингиз кийимингизга қаршилиқ билдирмаяптими?» деб сўрайди. Мен эса «ҳар-ҳар замонда тергаб туришади, лекин жиддий талаб қўйишмаган» дея уни алдайман. «Мен айтган гапларни ҳозирча бошқаларга айтмасдан туринг, ўзингизга муаммо орттириб юрманг», деб танбеҳ беради. Мен эса, унинг амрини сўзсиз бажараман.

Кунларнинг бирида у билдирган таклиф мени буткул шошириб қўйди:

– Маҳзуна, қачонгача фақат Фейсбукда ёзишиб юрамиз? Бир-биримизни озми-кўпми таниб, билиб олдик. Мусулмончиликда йигит ҳам, қиз ҳам бир-бирини севиб, кейин турмуш қуришига изн

берилган. Аммо никоҳ ришталарини имкон қадар тезроқ боғламоқ лозим.

Аввало бу мен учун ўта жиддий таклиф эди. Мен Комрон ҳақида деярли ҳеч кимга оғиз очмагандим. Қолаверса, ҳали отамнинг йили чиққани йўқ. Гарчи уйимизга унда-бунда совчилар келиб турса-да, ҳеч бирига тайинли жавоб берилмаган. Онамга у ҳақда қандай айтаман? Кейин менинг ўз орзуларим бор эди. Коллежни битириб, ўзим истагандек дизайн соҳасида ўқишни давом эттириш фикрим ҳам йўқ эмасди. Аммо Комроннинг бу таклифи...

«Сиз... Ўзбекистонга қайтиб келасизми?» – бу саволни нега берганимни ўзим ҳам билмайман. Балки, тўғри қаерда ўтказамиз, деган маънода бергандирман?

«Йўқ, бу ердан кетиш фикрим йўқ. Бу ердаги шароитлар имкониятлар, эркинликларни у ерда топа олмайсиз. Бу ерда менинг ўз уйим, дўконларим, сармоям бор. Уларни ташлаб кетолмайман. Агар ўқишни истасангиз, сизни энг замонавий университетларда ўқитаман. Бу ерда муслима, тақводор толибалар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Ишламоқчи бўлсангиз ҳам ёрдамимни аямайман. Истасангиз, ўзингизга ё дўкон, ё ателье очиб бераман. Бу ерда маликалардек яшайсиз. Лекин агар мен ўзимизга қайтадиган бўлсам, бу ердаги ҳамма нарсани ташлаб кетишимга тўғри келади. Бу ердан олган дипломим билан ўзимизда тузукроқ иш топишим қийин. Шу сабабли, иншооллоҳ, бу ерга келсангиз, асло пушаймон қилмайсиз».

Бундай баландпарвоз ваъдалардан бошим айланиб кетганди. Ахир ўзим ҳам худди шундай ҳаётни орзу қилмаганмидим? Бир пайтлар денгиз соҳилидаги ҳашаматли уйимда хушбичим шаҳзодам билан бекаму кўст ҳаёт кечиритишни, қўша-қўша фарзандлар ўстиритишни орзу қилган, ҳатто буни тушларимда

ҳам кўриб чиққандим-ку. Ахир бу ҳамма орзуларимнинг амалга ошаётганидан далолат эмасми?

«Бундан хурсандман, – дея ҳаяжондан бармоқларим титраб ҳарф теришга тушдим. – Лекин ҳаммасини ўзимизча қилаверамизми? Ахир ўзимизнинг расм-русумлар-чи? Одатда йигитнинг уйдан совчилар келади. Катталарнинг розилиги олинади. Келинни қизлик уйдан олиб чиқишнинг ҳам минг битта урф-одатлари бўлади-ку!»

«Ҳар қандай урф-одат – бу бидъат, – жавоб ёзарди Комрон. – Совчилик, нон синдириш, оқ ўраш, ойнага қаратиш, оёқ босиш, асал ялатиш, гулхан атрофидан айланиш, яна алламбалолар... Урф-одат деб шуларни айтасизми? Ахир буларнинг ҳеч бири шариятимизда йўқ. Бўлмайди ҳам. Бизда фақат никоҳ бор, икки тарафнинг розилиги бўлса, гувоҳлар иширокида никоҳ ўқилади, маҳр белгиланади, вассалом. Тўйни ҳар ким ўз қурбига яраша ўтказаверади. Албатта, юртга қайтиб элга ош берамиз, ойингиз ва бувингизнинг ҳам розилиklarини оламиз. Аммо ҳозирги вазиятда сиз тезлик билан менинг ёнимга келишингиз, биз тезда оила қуришимиз зарур».

Унинг таклифи мени карахт қилиб қўйганди. Ахир мен ҳам, ота-онам ҳам бунақа тўйни орзу қилишмаган-ку! Раҳматли отам ҳам айнан қизининг тўйини ҳамма қатори, бекаму кўст ўтказаман деб ёт ўлкаларда жувонмарг бўлиб кетмадимми? Наҳотки, Комрон айтганидек, никоҳ деганлари «битта мулла, бир калла қанд, уч сўм пул» билан битадиган иш бўлса?

Нима? «Тезда оила қуришимиз зарур» деяптими? Нега бунча тез? Ким ёки нима уни бу қадар тезкорликка ундамоқда? Нега у Ўзбекистонга келиб, тўйни эл қатори ўтказишни истамаяпти? Оҳ, қанийди ўша онда бу саволлар устида чуқурроқ бош қотирганимда? Ўшанда фақат тезроқ отни

қамчиламасам, Комрон бошқа қизга уйланиб кетишидан ваҳимага тушдим.

«Унда мен ойим, бувим, қариндошларим билан маслаҳатлашишим керак. Ахир отамнинг вафоти-га ҳали ярим йил ҳам бўлмади-ку!»

«Динимизда азанинг муддати уч кун. Мотамни узайтиришнинг хосияти бўлмайди, – ичимга баттар ўт ёқди у. – Кейин менинг режам амалга ошиши учун сиз ҳеч кимга айтмасдан йўлга чиқишингиз керак. Бу ерда никоҳдан ўтиб, айрим масалаларни ҳал қилганимиздан кейин уйингиздагиларга хабар қиласиз. Уларни чақиртириб оламиз. Шаҳардаги катта ресторанлардан бирида тўй қиламиз. Кейин биргаликда юртга қайтамиз. У ерда ҳам тўй бериб, элга маълум қиламиз. Лекин ҳозирги пайтда сиз менинг ёнимда бўлишингиз керак. Бу жуда муҳим!..»

Қувонишни ҳам, қайғуришни ҳам билмай қолгандим. Умрим бино бўлиб, бировнинг бу тахлит турмуш қурганини эшитмаганман. Мен самолётда учиб бораман-у, у мени аэропортда кутиб олади. Ўша куннинг ўзида никоҳдан ўтиб, кичикроқ даврада зиёфат берилади... Жуда қизиқ бўлса керак! Лекин бари бир катта тўйга ҳам ваъда беряпти-ку!

«Мен битта ўзим ҳатто Тошкентга ҳам бормаган бўлсам, Истанбулни қандай топиб бораман?» – миямда ғужғон ўйнаётган саволларни бирма-бир жўнатишга тушдим.

«Ўринли савол! Сиз Тошкентга бормайсиз. Душанбедан учасиз».

Рост, агар чегарани ҳисобга олмаса, бизга Душанбе яқинроқ. Бироқ чегарадан ўтишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор-ку. Муҳсинанинг холаси Истанбулдан мол олиб келиб сотишни эшитгандим. Унинг ўзи ҳам хорижга чиқиш йўл-йўриқларидан яхшигина хабардор эди. Хо-

рижга бориш учун паспорт столига аллақандай хужжатлар топшириларкан. У ердан паспортга махсус рухсатнома ёпиштириб беришаркан. Бундан ташқари, бизнинг ёшимиздаги қизларнинг ёлғиз четга чиқиши ҳам жуда қийин кечаркан.

Мен бу ҳақда Комронга ёзиб юборгандим. Жавоб ҳам унча ҳаялламади:

«Ҳеч қандай рухсатнома ёки визанинг кераги йўқ. Уйингиздан чегарагача бир соатлик йўл. Агар сиз рози бўлсангиз, ёнингизга танишларимни юбораман. Улар чегарадан ўтишингизга ёрдам беради. Қўшни давлат ҳудудида ҳам танишлар бор, сизни Душанбе аэропортигача етказишади. Самолётга чиқиб олдингизми, бу ёғи ҳеч гап эмас! Олти соатда Истанбулда бўласиз».

– Лекин билет олиш учун пулим...

– Пул ҳақида ўйлаб ҳам ўтирманг! Танишларим бу масалани ўзлари ҳал қилишади. Хуллас, ҳаммаси сизнинг розилигингизга боғлиқ. Эрталабгача ўйлаб кўринг!»

...Тун ярмидан оғиб қолган, ойимнинг ҳам хонасидаги чироқ ўчганди. Назаримда бутун борлиқ уйқуга чўмгандек. Ҳатто кўкдаги ой ҳам булутнинг парёстиғига бошини қўйганча мизғимоқда. Фақат менинг кўзимга заррача уйқу илинмайди.

Нега Комрон бундай кескин талабни қўйди? Наҳотки, уйдагиларга, яқинларимга, коллеждагиларга бир оғиз гапирмай уйдан чиқиб кетсам? Ахир яна тўрт ойдан кейин ўқишларим тугаб, қўлимга диплом олишим керак-ку! Борди-ю, Комроннинг айтганини қилиб, уйдан қочиб кетсам, шўрлик ойимнинг ҳоли нима кечади? Хаста бувим-чи? Қўни-қўшнилари нима деб ўйлашади?

Бира тўла рад жавобини берсаммикин? Ахир мен Комроннинг ҳатто ўзи билан юзма-юз гаплашмаган бўлсам? Уни фақат ўзи айтган маълумот-

лар бўйича танийман, биламан, холос. Ахир мени ота-онам бир кун уйдан чиқиб кетиб, Фейсбукдан танишиб қолган йигитнинг олдига чопиб, ўшанга тегиб кетсин деб ўстиришмагандир!

Худди денгизда довул турган маҳали кучсизроқ долғани ундан-да қудратли тўлқин босиб кетганидек, юрагимнинг бошқа бурчагидан янада шиддатлироқ туйғулар ғалаён кўтарди.

Нималар деяпман? Наҳотки, Комронга ишонмасам? Ахир у ўта иймонли, софдил, ҳалол йигит-ку! Ахир ёлғон энг катта гуноҳ эканини у менга жуда кўп бор айтган-ку! Наҳотки, у ўз ваъдаларига хилоф иш тутса? Беихтиёр кўз олдимда мовий денгиз қирғоғида қад кўтарган оппоқ мрамрдан тикланган қасрмонанд уй намоён бўлди. Уй эшиги олдида Комроннинг яп-янги русумдаги «Мерседес» машинаси турибди. Биз Комрон ширин-шакар болаларимиз билан тинч, фаровон ҳаёт кечиришимизни тасаввур қилиб вужудим бўшашиб кетди. Мана Комрон оппоқ куйлак, оппоқ шимда. Иккита жажжи ўғлимизни эркалатиб турибди. Олислардан муаззиннинг сокин, ширали овози эшитилади...

Наҳотки, шуларнинг ҳаммасини бир оғиз сўз билан чилпарчин қилсанг, Маҳзуна!

Йўқ, нега фақат ўзимни ўйлаяпман? Мен Комроннинг ёнига бориб, у ердан уйга телефон қилиб ҳаммасини айтгунимча, шўрлик ойим адоий тамом бўлади-ку!

Ие, энг асосийсини унутибман-ку! Шу пайтгача Комрон ҳам мени кўрмаган. У мени анави эронлик ҳижобли қиз тимсолида танийди ва севади. Мени кўриб, «сен кимсан?» демайдими? Бор ҳақиқатни билгач, «қаердан келган бўлсанг, ўша ерга жўна» деса нима деган одам бўламан? Ахир Комрон мени ростгўй, иймонли, тақводор қиз сифатида билади-ку!

Хулмас, шу тариқа эрталабгача сўнгсиз саволлар, қарама-қарши ўйлар гирдобида ўртаниб чиқдим.

Тонгга яқин саркаш хаёллариму чалкаш фикрларимдан биргина қарор ҳосил бўлганди: мен Комронга ҳақиқатни, суратдаги қиз бошқа эканини, у ўйлаганидек диний билим ва кўникмаларга эга эмаслигимни, ҳатто зарурий ибодатларни ҳам мукамал адо эта олмаслигимни, рўмол ҳам ўрамаслигимни айтаман. Албатта, шундан сўнг унинг мендан ҳафсаласи пир бўлади. Балки мени ер билан битта қилиб ҳақоратлар, таъна-ю маломатларга кўмиб ташлар. Зотан мен бунга лойиқман. Ҳамамага ёлғон гапирган тақдиримда ҳам Комронни алдамаслигим керак эди.

Комрон мендан юз ўтиради. Менга қайтиб ёзмаслиги ҳам мумкин. Шуниси ҳам тузук. Шу тариқа у менинг иккиюзламачи, ёлғончилигимни билиб, қўлини ювиб қўлтиғига артади. Мен ҳам ортиқча изтироблардан, ташвишлардан қутуламан. Балки бир неча кун ўзимни кўярга жой тополмай юрарман. Аммо ниҳоясиз даҳшатдан даҳшатли ниҳоя яхшироқ.

Оҳ, кошкийди ўша қарор ҳаммасига нуқта қўйганида? Мен эрталаб туришим билан Фейсбукка кириб, хаёлимдан ўтганларнинг барчасини ҳарфларга кўчирдим. Мана, биргина тугмачани босишим билан Комрон ҳаммасидан воқиф бўлади. Мен учун ҳам бари тугайди. Ширин орзулар ҳам, ўзим орзу қилган келажак ҳам, бахт ҳам, муҳаббат ҳам....

Уйқусизликдан қизарган кўзларимни телефон экранидан узмасдим. Саҳифада ҳамсуҳбатимнинг менга жавоб ёзаётганини билдирувчи белги пайдо бўлиши билан юрагимдаги титроқ ва ҳаяжон ўн чандон ортди.